*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил
3 октябрь
ЧОРШАНБА

№ 81
(11.988)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

www.th.uz

## УСТОЗЛАР ШАРАФЛАНДИ

**Шундай табаррук инсонлар борки, ҳар биримиз улар олдида бир умр қарздормиз. Улар, Президентимиз алоҳида таъкидлаганларидек, бизга маърифат ва билим дунёсини очиб берган, қалбларимизга юксак инсоний фазилатлар, фуқаролик ҳисси ва масъулиятини сингдириш учун бутун маҳоратини сарфловчи устозлар ва мураббийларимиздир.**

1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида, ҳар бир билим масканида кенг нишонланди. Шу қутлуғ байрам муносабати билан Қуйичирчиқ туманида устоз ва мураббийларни шарафлаш маросими ўтказилди. Унда вилоятимиз мактаблари, лицей ва коллежларида самарали ишлаётган ўқитувчилар, педагог-тарбиячилар, таълим соҳасининг бошқа илғор ходимлари иштирок этишди. Анъанавий касб байрами арафасида Президент фармони билан Тошкент давлат аграр университети қошидаги академик лицейнинг катта ўқитувчиси Сабоат Раззоқова «Фидокорона хизматлари учун», Юқоричирчиқ туманидаги 7-мактаб ўқитувчиси Фарит Феизов «Дўстлик» ордени, ўн бир устоз эса «Шуҳрат» медаллари билан тақдирланганлиги бу маросимга ўзгача кўтаринкилик бағишлади.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова устоз ва мураббийларни қутлуғ байрам билан табрикладди. Уларга эсдалик совғалари топширилди.

– Ўқитувчи ва мураббийларнинг умумхалқ байрами муносабати билан 6-мактаб директори Вилоят Акромованинг «Шуҳрат» медалига сазовор бўлганлиги ўқитувчиларимизни ниҳоятда мамнун этди, – деди Қибрай тумани халқ таълими бўлими мудираси Флора Йўлдошева. – Айнан шу шарафли касб эгалари ўзларининг машаққатли меҳнати, ҳаётий тажрибаси, беқиёс меҳри билан ёш авлодга илм-фан сирларини ўргатмоқда, улар қалбига Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат туйғуларини сингдиришда намуна бўлаётир.

Санъат усталарининг куй-қўшиқлари байрам тантанасига алоҳида руҳ бағишлади.

**Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.**






**СУРАТЛАРДА:** устоз ва мураббийларни шарафлаш тадбиридан лавҳалар.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## 2007 йилнинг 1 октябридан муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг лавозим маошлари миқдорларини ошириш тўғрисида

Ҳарбий хизматнинг обрў-эътиборини янада ошириш, муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг ўқув-жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги самарадорлигини оширишда моддий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш мақсадида:

1. 2007 йилнинг 1 октябридан бошлаб муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг лавозим маошлари миқдорлари 1,15 баравар оширилсин.

2. Мазкур ҳарбий хизматчиларнинг лавозим маошларини ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳамда Молия вазирлигининг махсус ҳисоби "Сафарбарлик чақирув резерви маблағлари" ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ушбу Фармоннинг талабларига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга аниқлик ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг Котиби М.И.Атаев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2007 йил 2 октябрь.

Кузги чақирув

## ЙИГИТЛАРНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИ

**Шу кунларда вилоят мудофаа ишлари бошқармаси, унинг шаҳар ҳамда туман бўлимларида кузги муддатли ҳарбий ва сафарбарлик чақируви давом этмоқда. Мухбиримизнинг бошқарма ёшларни ҳарбий хизматга чақириш бўлими бошлиғи Набижон Валиев билан суҳбати шу хусусда бўлди.**



**– Ёшларимизни ҳарбий хизматга сафарбар этиш жараёнлари қандай кечмоқда?**

– Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунига асосан кузги муддатли ҳарбий ва сафарбарлик чақирувини ўтказиш ҳамда Президентнинг шу йил 29 августдаги қарорига биноан вилоят шаҳар ва туманлари мудофаа ишлари бўлимларида ёшларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш изчил бормоқда.

Вилоят йиғув пунктида ҳам навбатдаги чақирувга юқори даражада тайёргарлик кўрилди. Ҳудудий-тиббий комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштирувчи чақириқ комиссияси ёшларни белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтказмоқда. Чақирилувчиларнинг маънавий-руҳий жиҳатлари ва интеллектуал салоҳиятлари танловнинг ҳарбий-касбий мезонларига мувофиқлигини ўрганиш учун халқ таълими, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамда турли жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат комиссия иш олиб бормоқда.

**– Танлов вақтида қайси жиҳатларга эътибор қаратилаяпти?**

– Бунда ёшларни ҳар томонлама чиниққанлиги, соғломлиги, билими, маданий ва маънавий баркамоллигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жисмоний-руҳий тайёргарлиги, интеллектуал даражаси ўрганилади. Билим даражаси эса, тест синовлари орқали аниқланади. Шу мақсадда республика Давлат тест маркази мутахассислари она тили, математика ва тарих фанларидан синов ўтказадилар.

Танловнинг барчасидан ўтган йигит муддатли ҳарбий хизматга қабул қилинади. Чақирилувчиларимиз бу синовлардан муваффақиятли ўтаяптилар. Бунда жойларда тарбиявий тадбирлар ва ҳарбий қисмларда аскарлар билан суҳбат-учрашувларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақалари, «Чақирилувчилар куни» тадбирлари бўлғуси аскарларнинг маданий-ахлоқий ва жисмоний чиниқишини оширишга хизмат қилмоқда.

**– Хизмат даврида бўлажак аскарлар учун қандай имкониятлар яратилган?**

– Ҳарбий хизмат даврида улар учун барча шарт-шароитлар яратилади. Қолаверса, ўз бурчини намунали ўтаган ёшларимиз ҳарбий қисмлари томонидан тавсияномалар билан тақдирланмоқда. Бу йил баҳор мавсумида ҳам 800 нафарга яқин йигитларимиз ана шундай тавсияномага эга бўлиб, ёруғ юз билан уйларига қайтишди. Улардан 670 нафари олий ўқув юртларига имтиёзли қабул қилиндилар. Кириш имтиҳонларида умумий баллнинг 25 фоизи қўшиб берилди.

Шунингдек, хизмат бурчини ўтаб бўлган ва Қуролли Кучлар захирасига бўшатилган фуқаролар шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси билан биргаликда хизмат даврида эгаллаган ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликлари инобатга олинган ҳолда ишга жойлаштириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ •

## «ИСТИҚЛОЛ БАХШ ЭТГАН ҚУДРАТ»

**Чиноз тумани Туркистон қишлоғидаги Худойберганов маҳалласида республика Маънавият тарғибот марказининг шу мавзудаги тадбири бўлиб ўтди.**

Унда мустақиллик йилларида миллий маънавиятни тиклаш ва ривожлантириш, тил ҳамда маданиятни тараққий эттириш, ўзликни англаш, ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш масалалари хусусида сўз борди.

Иштирокчилар Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий драма театри ҳамда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасидан ташриф буюрган санъаткорлар ижодидан баҳраманд бўлишди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова иштирок этди.

**Жалол РАҲИМ.**

## ФАРЗАНДЛАРНИНГ БЕГОНАСИ ЙЎҚ

**Республика бош прокуратураси ҳамда «Сен ёлғиз эмассан» хайрия жамғармасининг саъй-ҳаракати билан Бўка туманидаги 15-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси, болаликдан оғир хасталикка чалинган Светлана Александрова «Боинг» компанияси ҳомийлигида даволаниш учун Германияга жўнатилди.**

Ўтган йили мазкур компания томонидан меҳрибонлик уйига 13 та компьютер жамланмаси тақдим этилиб, ўқувчиларнинг интернет тармоғидан фойдаланишларига имконият яратилди. Шунингдек, вилоят прокуратураси кўмаги билан маскан уй кинотеатри ва сунъий йўлдош қурилмаси билан таъминланди. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида тумандаги ҳомийлар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан тарбияланувчиларнинг банкдаги шахсий ҳисоб рақамларига 100 минг сўмдан омонат пули ўтказилди.

**Мунаввара РАЖАББОЕВА.**

Фармон ва ижро

## ЁШ ОИЛАЛАР – ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

**Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши вилоят хотин-қизлар қўмитаси, адлия бошқармаси ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ёш оилалар тўғрисида барча статистик маълумотларни тўплаб, тарғибот ишлари олиб борилмоқда, амалий ёрдам кўрсатилаяпти.**

Вилоятда бугунги кунда 666 минг 657 та оила бўлиб, шундан 81 минг 873 таси ёш оила ҳисобланади.

Шу кунгача вилоят кенгашига 50 нафар ёш оила мурожаат қилди. Уларга Фармоннинг моҳияти тўғрисида кенг тушунчалар бериляпти. Жумладан, Зангиота туман кенгашига ёш оилаларнинг 30 таси уй-жой сотиб олиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, Оҳангарон шаҳар кенгашига эса, уй-жой қуриш, рўзғор буюмлари сотиб олиш бўйича ёрдам сўраб 13 нафар ёш оила мурожаат қилди. Тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришда уларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Шунингдек, вилоят кенгаши «Оила – муқаддас даргоҳ» мавзусида тадбир ўтказиб, ёшларга оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги, оила қонунчилиги асослари тушунтирилди. Жойларда Фармоннинг ижроси бўйича семинарлар, мониторинглар олиб борилияпти.



Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда «Ипотека» банки билан ҳамкорликда Ангрен шаҳридаги 54 та хонадондан иборат 9 қаватли бинони қайта таъмирлаш ва кредитга бериш чора-тадбирлари режалаштирилаяпти. Шунингдек, «Ипотека» банки филиали билан ҳамкорликда барча шаҳар-туманлардан 22 та ёш оиланинг ҳужжатлари ишчи гуруҳи томонидан тўлиқ ўрганиб чиқилди, тегишли тавсиялар берилди. Банк бу оилаларга кредит ажратиш мақсадида ҳужжатларни расмийлаштирмоқда.

**Севара ЎРИНБОЕВА.**




**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га обуна бўлинг!**

**Бизнинг индекс – 205.**

Қарор ва ижро

## МИКРОМОЛИЯЛАШТИРИШ: ДАСТУР БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

**Республика Вазирлар Маҳкамасининг «2010 йилгача Ўзбекистон Республикасида микромолиялаштиришни ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори кучга кирганига беш ой бўлаяпти. Ўтган даврда ушбу қарор ижроси юзасидан нималар қилишга улгурилди? Дастурнинг асосий мақсадлари ва йўналишлари қандай? У қай тартибда амалга оширилади?**

Республика Марказий банки вилоят бош бошқармасининг банклар фаолиятини тартибга солиш шўъбаси мудири Азамат Жайнаров «Тошкент ҳақиқати»нинг ана шу саволларига жавоб беради.

– Дастур ижроси ҳақида гапиришдан аввал шуни таъкидлаш жоизки, микромолиялаштиришни бутун республика бўйлаб кенг ривожлантириш мамлакатда фаолият юритаётган банк тизимини янада такомиллаштириш ва тармоқларини кенгайтириш орқали банк хизматини бевосита аҳоли истиқомат жойларига яқинлаштириш, шу йўл билан халқнинг барча қатламларини қамраб олиш имконини беради. Вазирлар Маҳкамаси қарорининг асосий мақсад-моҳияти ҳам аҳолининг фаол қисми ўз бизнесини ташкил этиши, бошлаши ва изчил йўлга қўйиб олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, айниқса, қишлоқларда аҳолини муқим иш жойлари билан таъминлашни кучайтиришга кўмаклашувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантиришга лозим даражада молиявий ёрдам кўрсатишга эришишдан иборатдир.

(Давоми 2-бетда).

## СУРАТИЮ СИЙРАТИ ГЎЗАЛ

**Ҳар сафар мустақил юрт, озод Ватан, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ҳақида ўйлар эканман, суратию сийрати гўзал юртдошларим, улар амалга ошираётган улуғ бунёдкорлик ишлари кўз олдимга келади.**

Ўша суратию сийрати гўзаллар орасида қаддибасти келишган, сулув қизларимиз, аёлларимиз оз эмас. Уларнинг ҳаётимиз равнақи, жамият тараққиётидаги ўрни беқиёс.

Бир пайтлар атоқли адибимиз Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда «ҳовуздан эгилиб бир пиёла сув ололмайдиган», танбалликка мойил аёллардан фарқли ўлароқ, бугунги кунда ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом хотин-қизлар сафи кундан-кунга кенгайиб бораётганлигини таъкидлаш жоиз.

(Давоми 4-бетда).

Қарор ва ижро

## МИКРОМОЛИЯЛАШТИРИШ:

# ДАСТУР БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Ушбу мақсадга қаратилган бир қатор муҳим вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш Дастурнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган. Аввало, микромолиявий хизматларга муҳтож аҳолини тўлиқ қамраб олган ҳолда мамлакатнинг барча минтақаларида кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари тармоғини кенгайтириш учун ташкилий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш лозим бўлади. Шу мақсадларда меъёрий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотларининг барқарор ривожланишини таъминловчи ва улар фаолиятини тартибга солиб турувчи самарали тизимни яратиш ҳам муҳимдир.

Молиялаштиришнинг тижорат манбалари, хусусан, халқаро молия институтлари, тижорат банклари ва давлат мақсадли жамғармаларининг кредит линиялари ҳисобига кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотларининг ресурс базасини шакллантиришга кўмаклашиш дастур ижросининг асосий йўналишларидан биридир. Шунингдек, микромолиялаштириш хизматларини кенгайтириш, хусусан, микролизинг хизматини ривожлантириш, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотларининг профессионал хизматларга ва зарур кредит ахборотларига кириб боришини таъминловчи ёрдамчи хизмат турлари ва инфратузилмаларни ривожлантириш ҳам Вазирлар Маҳкамаси қарорида назарда тутилган муҳим вазифалардан биридир.

Микромолиявий хизмат соҳасининг бугунги аҳоли хусусида шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда республикада микромолиялаштиришни ривожлантириш учун зарур меъёрий-ҳуқуқий асос яратилган. Жумладан, «Микромолиялаштириш тўғрисида», «Кредит уюшмалари тўғрисида», «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Микромолиявий хизматлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори кучга кирган.

Қабул қилинган ана шундай қонун ҳужжатларининг амал қилишини таъминлаш мақсадида республика Марказий банки микромолиявий муассасаларни лицензиялаш тартиб-қоидаларини бошқарувчи меъёрий ҳужжатлар, улар томонидан молия операцияларини амалга ошириш қоидалари, бухгалтерия ҳисоби, ҳисоб рақамлари режаси ишлаб чиқилди.

Дастурни самарали амалга оширишда республика манфаатларидан келиб чиқиб, халқаро молиявий институтларнинг техник кўмаги, шунингдек, мақсадли грантлар ҳамда кредитлардан тўғри ва самарали фойдаланиш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Чунончи, Марказий банк бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда микромолиявий муассасаларни тегишли ҳуқуқий ва тартибга солувчи муҳит билан таъминлайди. Шунингдек, улар фаолияти устидан назорат қилишнинг самарали тизимини яратади.

Кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари уюшмаси микромолиявий муассасаларда микромолиялаштиришнинг илғор халқаро амалиётини жорий этиш, маслаҳат хизмати кўрсатиш, ўқув курслари ва семинарлар ташкил қилиш, институциявий салоҳиятни кучайтириш, айниқса бошқарув тизимида қатъийроқ андозаларни қўллаш ва фаолиятнинг очиқ-ошкоралигини таъминлаш чора-тадбирларини кўради.

Халқаро ташкилотларнинг грантлари ва кредитларини жалб этиш ва тақсимлашнинг самарали, очиқ-ошкора тамойилини яратиш Дастурнинг муҳим қисми ҳисобланади. «Микрокредитбанк» республикага тушаётган молиявий маблағларнинг асосий қабул қилувчиси ва тақсимловчиси сифатида халқаро ташкилотларнинг жалб этилаётган маблағларини микромолиявий муассасалар ўртасида танлов асосида тақсимлайди.

Булардан кутилаётган натижалар шундан иборатки, Дастурга мувофиқ вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидаги микромолиявий хизматга муҳтож аҳолини (ҳисоб-китобларга кўра 350-400 минг киши) тўла қамраб олиш салоҳиятига эга бўлган самарали ва рақобатбардош микромолиялаштириш тизими яратилади. Кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотларининг кредит қўйилмалари кўпаяди. Самарали назорат қилишни таъминлайдиган яхлит қонунчилик ва тартибга солиш базасининг яратилиши, микромолиявий хизматлар бозорида очиқ-ошкора фаолият кўрсатиш тизимига эга бўлган соғлом микромолиявий муассасаларнинг ташкил топиши ҳисобига микромолиявий сектор ва унинг инфратузилмаси барқарор ривожланади.

Энди кредит уюшмаси ҳақида алоҳида тўхталадиган бўлсак, у кредитлар бериш ва бошқа молиявий хизматлар кўрсатиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий, тенг ҳуқуқли аъзолик асосида тузиладиган кредит ташкилоти бўлиб, ишлаб чиқариш, суғурта, савдо-воситачилик ҳамда «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилмаган бошқа фаолиятлар билан шуғулланишга ҳақли эмас. Улар лицензия асосида фаолият юритади.

Кредит уюшмаларини Марказий банк ҳужжатлар топширилгандан сўнг 30 кун ичида рўйхатдан ўтказиб, лицензия беради. Бироқ кредит уюшмаси рўйхатдан ўтиш учун зарур ҳужжатларни тақдим этмаганда, устав ва бошқа ҳужжатлар қонун ҳужжатларига мувофиқ келмаганда, бизнес-режа асосли бўлмаганда, юридик шахс бўлмиш бир ёки бир неча муассиснинг молиявий аҳволи қониқарсиз бўлганида Марказий банк давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия беришни рад этиши мумкин.

Кредит уюшмаси бир қатор ҳуқуқларга эга. Жумладан, уставига мувофиқ шартномалар ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузади. Грантлар ва бепул бериладиган маблағларни олади. Маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатади. Марказий банк белгилаб берган тартибда филиаллар очади.

Шунингдек, кредит уюшмаси қонун ҳужжатлари ва уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**Суҳбатни Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ ёзиб олди.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Пахта – 2007



# ҲАРАКАТГА ЯРАША ДАРОМАД

***– Шартномада ҳосилдорлик 23 центнер қилиб белгиланганди. Биринчи теримдаёқ 27 центнерга етказиб, давлатга 65 тонна ўрнига 80 тонна пахта сотдик. Албатта, бу ҳали ҳаммаси эмас...***

Бу – Бўка туманидаги «Омонбоқи» фермер хўжалиги раҳбари Абдурашид Омоновнинг куни кеча биз билан суҳбатда айтганлари. Дарҳақиқат, хўжалик аъзолари 28 гектар майдонда иштиёқ билан меҳнат қилишди. Натижа кутилганидан ҳам аъло бўлди. Фермер айтганидек, бу ҳали ҳаммаси эмас. Далаларда ҳали ҳосил мўл. Деҳқонлар яна 30 тонна пахта сотишни мўлжаллаб туришибди. Бу ҳосилдорлик камида 10 центнерга кўпаяди, деганидир.

– Хўжалигимизнинг 18 аъзоси бор, – дейди фермер. – Теримда ҳар бир аъзонинг оиласи, қўни-қўшни, яқинларидан 10 нафардан теримчи кўмакка чиқди. Табиийки, мавсум улар учун қўшимча даромад манбаи ҳамдир. Энг муҳими, пахтамиз тоза терилди, юқори навга қабул қилинди. Биз вақтдан ҳам, даромаддан ҳам ютдик.

**СУРАТДА:** хўжалик аъзоси Муножат Омонова терим мавсумида ҳам фаоллик кўрсатди.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# ЯНГИ ҲОСИЛДАН СИФАТЛИ ТОЛА

Қуйичирчиқ тумани пахтакорлари вилоятимиз хирмонига ҳар йили баракали улуш қўшадилар. Бу мавсум улар зиммасидаги масъулият юки янада залворли. Контрактация шартномасига мувофиқ туман фермерлари қабул пунктларига 43 минг тонна хом ашё етказиб беришлари лозим.

Ҳозир ҳар куни далалардан йиғиб-териб олинаётган ҳосил тумандаги «Мустақиллик» пахтани қайта ишлаш корхонасига келтирилаётир. Ҳосил бевосита ўз эгалари кузатувида таррозидан ўтказилиб, навларга ажратилаётир. Таъкидлаш жоизки, ҳозиргача келтирилган ҳосилнинг деярли ҳаммаси юқори навларга олинди.

– Жамоамиз бу йилги мавсумга пухта ҳозирлик кўрди, – дейди оператор Орифжон Эргашев. – Ҳозир корхонамиз қуввати тўлиқ ишга солиниб, янги ҳосилни пешма-пеш қайта ишлаяпмиз.

**СУРАТЛАРДА:** оператор Орифжон Эргашев ҳамда товаршунос Гулчеҳра Қаршибоева иш устида.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**





# КАРТОШКА ЯНАДА КЎПАЯДИ

***Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида мева-сабзавотчилик тармоғини ва ушбу йўналишдаги илм-фан ривожини жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу борада Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 11 январда қабул қилинган "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори дастурил-амал бўлмоқда.***

– Олимларимиз картошканинг янги нав ва дурагайларини яратиш борасида самарали ишларни амалга оширмоқда, – дейди Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг картошка селекцияси ва уруғчилиги бўлими бошлиғи, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Аҳмаджон Расулов. – Ҳозир картошканинг касалликларга чидамли, иқлим шароитимизга мос, серҳосил, эртапишар навларини яратиш ва истиқболли агротехника қоидаларини ишлаб чиқиш устида иш олиб бораётирмиз.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бошқа соҳалар каби картошкачилик ҳам ривожланиш босқичига кўтарилди. Самарқанд қишлоқ хўжалиги олийгоҳи ва институтимиз селекционер олимлари унинг "Тўйимли", "Ақраб", "Бардошли-3" ва "Умид" каби саккиз навини яратдилар. Булар орасида "Тўйимли" нави ҳосилдорлиги, касалликларга чидамлилиги ва сифати билан деҳқонларга ҳам, истеъмолчиларга ҳам манзур бўлмоқда. "Диёра" нави айни пайтда комиссия томонидан синовдан ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, кечки картошка ҳосилдорлигини ошириш ва навларни янгилаш мақсадида жорий йилда мамлакатимизга 3,5 минг тонна картошка уруғи Голландиядан келтириб экилди. Ҳозир юртимизда кечки картошка етиштириш тадбирлари давом этмоқда.

Истиқлолнинг илк йилларида ҳар гектар ердан 8,5 тонна ҳосил олинган бўлса, ҳозир бу рақам 18-19 тоннагача етмоқда. Ўтган йили ялпи ҳосилдорлик бир миллион тоннадан ошди. Мамлакатимизда Картошкачиликни ривожлантириш дастурига биноан 2010 йилгача йиллик ялпи ҳосилни бир ярим миллион тоннага етказиш режалаштирилган.

**Сайёра ШОЕВА, ЎзА мухбири.**

# ХОНАТЛАСНИНГ ЎЗГИНАСИ

***«Ангренғиштқум» масъулияти чекланган жамияти қошида қурилган мини-заводнинг ишга тушганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, аммо у кўпчилик эътиборини ўзига тортишга улгурди.***

Хитой технологиялари асосида жиҳозланган бу шахобчада фақат оддий ғишт эмас, балки тарихий ва маданий ёдгорликларни қайта тиклашда асқотадиган қопламалар ва кошинкор қадамалар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Улар пишиқ, мустаҳкам, бетакрор гўзалликка эга бўлиб, сиртқи кўриниши ял-ял товланувчи хонатласни эслатади. Шу сабабли 100 га яқин ишчи қўлидан чиқаётган бу маҳсулотлар анча харидоргир.

**Санам НАЗИРОВА.**

## Қиш мавсумига тайёрмисиз?

# АВВАЛО, ШАРОИТ БЎЛСИН

**Бўка туманида 54 та умумтаълим мактаби, 17 та мактабгача таълим ва 3 та мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Шулардан 2007-2008 ўқув йили куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича 42 та умумтаълим мактаби, 16 та мактабгача таълим ва 3 та мактабдан ташқари таълим муассасаси жорий таъмирланди. Хусусан, биноларнинг томлари, ички ва ташқи иситиш тармоқлари капитал таъмирдан чиқарилиб, ёроқсиз ойналар янгиланди.**

Умумтаълим мактабларининг 16 таси табиий газ, 37 таси кўмир ва 1 таси суюқ ёқилғи билан иситилади. Мактабгача таълим муассасаларининг эса 11 таси газ, 6 таси кўмир билан иситишга мослаштирилган бўлиб, бу мавсум учун 1700 тонна кўмир ва 20 тонна суюқ ёқилғи жамғарилди. Тайёргарлик жараёнида газ тармоғига уланган таълим масканларининг иситиш тизими кучли босим билан ювилиб, мавсумда бенуқсон ишлаши учун тайёр ҳолатга келтирилди.

Туман прокуратураси таълим муассасаларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлиги юзасидан ўтказган текшириш давомида 7-, 14-, 15-мактабларнинг директорлари интизомий жавобгарликка, 25-, 29-, 41-мактаблар директорларининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосарлари маъмурий жавобгарликка тортилди. Битта жиддий қонунбузилиш ҳолати юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Жумладан, тумандаги «Бинокор» масъулияти чекланган жамияти 12-, 21-, 44-, 53-мактабларни капитал таъмирлаш юзасидан ўтказилган тендер танловида ғолиб чиқиб, шу йилнинг 1 июлига қадар таъмирлаш ишларини тўлиқ якунлаш мажбуриятини олган эди. Бироқ, «Бинокор»нинг мансабдор шахслари ўз вазифасига совуққонлик билан қараганликлари оқибатида юқоридаги умумтаълим мактабларида таъмирлаш ишлари ўқув йили бошланган чоғида ҳам якунланмади ҳамда давлатга 1 миллион 635 минг сўм зарар етказилди. Бу ҳолат юзасидан прокуратура айбдорларга нисбатан жиноят иши қўзғатиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Дилшод ИСРОИЛОВ, Бўка тумани прокурори.**

Таълим ва ислоҳот

# ОЧИҚ ДАРСЛАР ФЕСТИВАЛИ

**Вилоятимиз умумтаълим мактабларида Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» мавзуидаги маърузаси мазмун-моҳиятини ўқувчиларга етказиш юзасидан «Очиқ дарслар фестивали» ўтказилмоқда.**

Бундан кўзланган асосий мақсад уларда мустақил фикрлаш ва ҳаёт кўникмаларини шакллантириш, ота-оналар ҳамда жамоатчилик вакилларини таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар билан таништиришдан иборат. Машғулотлар «Мустақиллик дарслари»нинг мантиқий давоми бўлиб, асосий эътибор таълим мазмуни масалаларига қаратилмоқда. Шунингдек, дарсдан ташқари тадбирлар, мустақилликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган кишилар билан учрашувлар, турли йўналишда танловлар ташкил этилмоқда.

**Ҳасан МУРОДОВ.**



# ИЖОДИЙ ЁНДОШУВНИНГ САМАРАСИ БЎЛАКЧА

– Ёзги таътилда сизлар билан кўп жойларда бўлдик, – деди адабиёт муаллими доскага «Нон – азиз неъмат» сўзларини катта ҳарфлар билан ёзар экан, сўнг олдинги қаторда ўтирган ўқувчига юзланди. – Қани айтчи, Умиджон, охирги саёҳатимизда биз қаерда бўлдик?

– «Азим ота» фермер хўжалигида буғдой ўрим-йиғими, кейин нон заводида маҳсулотлар тайёрлаш жараёни билан танишдик, – деди ўқувчи.

– Хўш, бу жойларга саёҳатимиздан мақсад нима эди? – синфдаги ўқувчилардан сўради муаллима.

– Таассуротларимиз асосида иншо ёзиш, – баравварига жавоб қайтаришди ўқувчилар.

– Баракалла, демак, бизнинг эркин мавзудаги бугунги дарсимиз нон ҳақида. Марҳамат, фикрингизни саёҳат таассуротлари билан бойитишларингиз мумкин.

– Устоз, яқинда газетада нонни қадрлаш, уни исроф қилмаслик ҳақида мақола ўқигандик, – деди ўқувчилардан бири. – Шу асосдаги фикрларимни қўшсам майлими?

...Бир неча дақиқадан сўнг синфга сукунат чўкди. Парта оралаб ўқувчилар ишини кузатаркан, «Асар устида ишлаётган ёзувчига ўхшайди-я, булар» фахр билан кўнглидан кечирди муаллима.

Ангреннинг сўлим Облиқ қишлоғидаги 29-умумий ўрта таълим мактабида ҳар бир дарс ўқитувчининг ана шундай ижодий ёндашувида ўтади.

– Яқинда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилинганлигига ўн йил тўлди, — дейди мактаб директори, халқ таълими аълочиси Зарифа Шокирхонова. – Ўтган шу давр ичида Юртбошимизнинг бевосита раҳбарлиги остида таълим-тарбия соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Ўтган ой матбуотда Ўзбекистон дунёдаги энг саводхон мамлакат сифатида тан олинганлиги тўғрисидаги хабарни ўқиб юрагимда мустақил юртимга бўлган меҳрим янада жўш урди. Сирасини айтганда, ёш авлод келажаги йўлида бизнинг давлатимизчалик ғамхўрлик кўрсатаётган мамлакат бўлмаса керак. Қолаверса, бизнинг юртда бепул билим олиш Бош қомусимизнинг алоҳида банди орқали кафолатланган. Табиийки, бундай шарт-шароит ва имкониятлар таълим самарадорлигининг ошишига, ислоҳотларнинг чуқурлашувига хизмат қилаётир.

Дарҳақиқат, мактаб ҳаётига оид янгиликлардан асосийси, янги ўқув йилидан бошлаб 120 ўринли кутубхона ўрнида Ахборот-ресурс маркази фаолияти йўлга қўйилди. Мактаб маъмурияти ҳамда ҳомийлар томонидан қайта таъмирланган бу марказда ўқувчиларнинг сўнгги русумдаги компьютерларда ишлаши, кўптармоқли интернетдан фойдаланишлари учун шароит ва имкониятлар етарли.

Ўтган ўқув йили натижаларига кўра ўтказилган мониторинг шаҳар мактабларининг бир йиллик фаолиятини аниқ таҳлил қилиб берди.

21 та йўналиш бўйича таълим-тарбия ишлари якунида юқори кўрсаткичга эришган бу мактаб биринчи ўринга сазовор деб топилиб, телевизор билан тақдирланди.

– Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини яратиш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги қарори таълим сифати ва самарадорлигининг ошишига хизмат қилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз, – деди З. Шокирхонова. – Қолаверса, дарс соатларининг қисқартирилганлиги унинг сермаҳсуллиги ошишига замин яратади.

Манфаатдорлик ҳам бугун меҳнатга яраша. Масалан иккинчи тоифали ўқитувчининг маоши 150-160 минг сўм. Бу ўқитувчини янада ғайрат билан ишлашга, ижодий изланишга ундаётир.

Республика Президентининг шу йил 26 февралдаги «Халқ таълими муассасаларида молиялаштириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш борасида мактабимиз 1 июлдан бошлаб ўзини-ўзи қисман молиялаштириш тизимига ўтди. Шу мақсадда, мактабимизни оталиққа олган Ангрен кон бошқармасига шартнома асосида иш қўлқоплари ва халтачалар тикиб беришни зиммамизга олдик. Шунингдек, қўшимча бинолардаги бўш хоналарни тиш даволаш бўлими, сартарошхона, бичиш-тикиш ҳамда қандолатчилик учун ижарага бериш ниятидамиз.

Бундан уч-тўрт йил олдин мактаб яқинидаги тошлоқ ерни ўзлаштириб, мевали боғ барпо этгандик. Бу йил улар илк ҳосил берди. Жумладан 1 тоннага яқин ёнғоқ йиғиб олдик. Бу ҳаракатларимизнинг барчаси мактаб иқтисодиётининг юксалишига, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ютуқларини рағбатлантиришга қаратилган.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# МАРКАЗНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

***Пойтахтимизда Республика болалар бадиий ижодиёт марказининг янги биноси қуриб, фойдаланишга топширилди.***

Марказнинг Диёра Ҳасанова, Нигора Мирсолиҳова, Шосаид Шоабдураҳимов, Ботир Нормуродов, Наталья Анисимова, Вероника Илюшина каби ўқувчилари Япония, Франция, Миср, Чехия, Ҳиндистон каби давлатларда болалар ижодиёти бўйича ўтказилган халқаро танлов ва фестивалларда совринли ўринларни қўлга киритган. Бундан ташқари, Ирина Бучок, Асал Қозоқбоева каби ўқувчилар "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган "Янги авлод" республика болалар бадиий ижодиёти фестивалида ғолиб чиққан.

Республика болалар бадиий ижодиёт марказининг янги биносида турли йўналишлардаги студиялар, тўгараклар фаолиятини олиб бориш учун барча шароит мавжуд. Айни пайтда "Маънавият ва маърифат" хонаси, кутубхона, анжуманлар зали, компьютер синфи ўғил-қизлар ихтиёрида.

– Қизим Чаросни ушбу марказга олиб келганимда у олти ёшда эди, – дейди Жаннат Исмоилова. – Ҳозир у ўн олти ёшга тўлди. Тасвирий санъат сир-асрорларини пухта эгаллаши, ҳаётда ўз ўрнини топишида ушбу марказ педагоглари, моҳир мусаввирларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик ва эътибор учун Президентимиздан миннатдормиз.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

# ПРОФЕССИОНАЛ БОКСЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

**Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида ташкил этилган профессионал бокс кечасида Ўзбекистон ва Россия чарм қўлқоп усталари навбатдаги рейтинг жангларини ўтказди.**

Турнирнинг асосий жанги сифатида эътироф этилган беллашувда 20 ёшли Абдулазиз Матазимов россиялик тажрибали боксчи Александр Шедринга қарши рингга кўтарилди.

Профессионал боксдаги фаолиятини бир йил муқаддам бошлаган А. Матазимов саккиз раундлик жангга кескин ҳужумлар билан киришди. Боксчимиз бешинчи раундда рақибига кучли зарба бериб, уни нокаутга учратди. Кетма-кет бешинчи ғалабасини нишонлаган ҳамюртимиз ўз ҳисобига муҳим рейтинг очколарини ёзиб қўйди.

Бокс кечасининг яна бир саккиз раундлик жангида икки ўзбекистонлик боксчи – Иқбол Қурбонов ва Бобур Ортиқбоев ўзаро куч синашди.

Беллашувда И.Қурбоновга аввалги тўртта жангда тўплаган тажрибаси қўл келди. Б.Ортиқбоев учинчи рауднддаёқ рақибининг устунлигини тан олди.

Мусобақанинг энг кутилмаган натижаси ҳамюртларимиз – Шерзод Назаров ҳамда Шерзод Мамажонов ўртасидаги олти раундлик рейтинг жангида қайд этилди.

Профессионал боксчилик фаолиятини рақибига нисбатан бир йил олдин бошлаган ва олтита жангнинг барчасида ғалабага эришган Ш. Назаров нисбатан тажрибасиз рақибига очколар ҳисобида имкониятни бой берди.

Ўзбекистонлик Зоҳид Худойбердиев ҳамда россиялик Мамед Мамедов ўртасидаги баҳс ҳам олтинчи раунднинг сўнгги дақиқасигача кескин курашлар остида ўтди. Профессионал рингда учинчи жангини ўтказаётган ҳамюртимиз рақибига нисбатан тез, чаққон ва аниқ ҳаракат қилди. Буни инобатга олган ҳакам З. Худойбердиевнинг ғалаба қозонганини қайд этди.

Профессионал бокс кечасининг ягона тўрт раундлик жангида Ҳасан Умаров дебютант Асрор Сотволдиев билан беллашди. Фаолиятини жорий йилнинг августида бошлаган Ҳ. Умаров иккинчи ғалабасини қўлга киритди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**



Саъдулла СИЁЕВ

# ҚОРА КЎЗОЙНАКЛИ МЕҲМОН

**(Думбул йигит қиссаси)**

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Кўкат растаси, қовун бозор, ҳўл мева, қуруқ мева расталарини кўриб, ён кўчадан пастладик. Чарли ҳунармандлар билан танишмоқчи бўлди. Чорсунинг чорбоғига етмай, сув бўйидаги болахонали уйлар олдида тўхтадик. Бу ерда Чарли чилангарлар, чегачилар, ёғочсозлар билан таниша бошлади. Бирдан унинг кўзи устахона олдида турган бежама сандиқ билан олақуроқ бешикка тушиб, уларга яқинлашди. Бешикни айланиб обдон томоша қилди, тебратиб кўрди. Суратини олди. Индамай бир четда туравердим.

— Бу... болаларнинг катта ўйинчоғими? — деди Чарли.

— Йўқ, оналарнинг эрмаги, — дедим эҳтиёт бўлиб. Сўнг бир амаллаб бешикнинг вазифасини тушунтирдим. Кўнглига ёмон гап келмасин деб "Бу ондасонда ишлатилади. Бешикда ётишни ҳозир чақалоқларнинг ўзлари ҳам хушламайдилар", деб қўйдим.

— Нима, бу шунчалик ёмон нарсами?

— Унчалик ёмон эмасу... лекин ҳозир йўқолиб кетаяпти.

Чарли бош силкиди:

— Тўғри, йўқолиб кетаётган нарсаларнинг ҳаммасини ҳам ёмон деб бўлмайди. Масалан, илгари бизда қиз эрга тегмоқчи ёки йигит уйланмоқчи бўлса, албатта ота-онасидан рухсат сўрарди. Энди сўрамайди. Бу консерватизм деб ўйлашади. Сизларда қанақа?

— Бизда ота-онасидан рухсат оладиганлар ҳам, олмайдиганлар ҳам бор. Ҳар қалай, Европа цивилизациясидан бебаҳра қолаётганимиз йўқ.

— Бари бир менга шарқона одатлар ёқади. Ҳаё, андиша, мурувват, шафқат...

Шу пайт шогирд бола уч-тўрт сумак олиб чиқиб бешикнинг ичига қўйди. Чарли ўғил болаларнинг сумагини олиб айлантириб томоша қила кетди.

— Мистер, бунинг миссияси нима?

— Миссияси, миссияси... Бу чулчитга нима дейман? Сумакнинг асл башарасини очсам, уят бўлса. "Антиқа канализация" деб ёзиб юбориши ҳам мумкин. Мужмалроқ қилиб жавоб бердим:

— Бу болаларнинг эрмаги. Шу бўлмаса яхши ухлай олмайди.

Чарли сумакни сурнай деб тушундими, пуфлаб чала бошлади. Ўтган-кетган унга қараб кулди. "Ўзбекча сурнайни чала олмаяпман" деб ўйладими, Чарли ҳам одамларга қўшилиб яйраб кулди. Охири унга битта сумак олиб бериб қутулдим.

**IV**

Тошкент ҳалқа йўлидан кун ботиш тарафга кетаяпмиз. Чарли бугун колхозчиларнинг турмуши билан танишмоқчи. Кеча кечқурун колхозга телефон қилиб, тайёргарликнинг боришини суриштирдим. "Ғам еманг, ўртоқ Раҳматов! — деди раис баланддан келиб, — биз йил ўн икки ой меҳмон кутавериб ўрганиб кетганмиз. Бемалол олиб келаверинг. Ўша американгизнинг оғзини очиб қўямиз".

Кузнинг ўртаси — меҳржон. Йўлнинг икки томони кета кетгунча экинзор. Деҳқонлар карам узаяпти, помидор, бодринг тераяпти. Чарли пайкаллардаги қора чопонли, қизил кўйлакли эркак-аёлларга, уларнинг ортида йўрғалаб юрган болакайларга ўйчан боқади. Нимадир сўрамоқчи бўлиб оғиз жуфтлайди, сўнг фикридан қайтгандек, яна далага тикилади.

Ҳалқа йўлнинг ҳар ерҳар ерида тўп-тўп бўлиб одамлар турибди. Ёшлар, ўрта яшар кишилар, кексалар. Бола кўтарган аёллар ҳам учрайди. Улар "Олакетинглар!" дегандек қўл кўтаради. Талъатнинг парвойи фалак, олисларга тикилганча машинасини учириб кетаяпти.

Охири Чарли чидамади шекилли, менга юзланди:

— Мистер Хек-мат... Анавиларни ола кетайлик, бари бир машина бўш-ку?

Жавобим тайёр эмас эди, шошиб қолдим. Нима дейман? "Уларнинг сенинг ёнингга чақириб бўлмайди, қоида шунақа", десам, "Нега"лаб тинкамни қуритади. Миямга яшиндай ярқираб бир фикр келди.

— Улар ҳеч қаёққа бормайди, — дедим Чарлининг елкасидан қучиб, — атайлаб сени табриклагани чиқишган. Келганингни эшитган бўлишса керак.

Чарли хурсанд бўлди. Қаерда одамлар қўл кўтарса у ҳам қўл силкиб, салом бериб ўтаверди. Қора кўзойнак тақиб олган капкатта кишининг бачкана қилиғи йўловчиларнинг ғашига тегди шекилли, бировлар муштини ўқталиб қўйди. Бир бекатда барзанги йигитнинг "Олифта!" деб сўкинганини эшитиб қолдим.

Маълумки, кўп хўжаликлар бирор маҳсулот етиштириш бўйича ихтисослашган. Биз борадиган колхоз эса... чет эллик меҳмонларни кутиб олишга ихтисослашган экан. Буни қишлоққа кираверишданоқ пайқадик. Кўча бетидаги деворлар силлиқ қилиб сувалган, рангли бўёқ билан бўялган. Асфальт йўлга сув сепилган, йўл четидаги пакана чинорлар, ёш ниҳоллар баргида кумуш томчилар ялтирайди. Идорага боргунча ўзбек, рус, инглиз, араб тилларида "Тинчлик", "Саодат" деган сўзлар алвон қилиб ёзиб қўйилган.

Идора олдида бизни раиснинг ўзи кутиб олди. ёнида беш-олти «маҳрам»и ҳам бор. Раис олтмишларга борган, бақалоқроқ бўлса-да, эпчил, сал ишорага тушунадиган, зийрак киши экан.

Раиснинг ўзи программа тузиб қўйган шекилли, менга қараб бармоқ букди:

— Ҳозир токзорга ўтамиз, ўртоқ Раҳматов. Колхозчиларимиз узум узаяпти. Бир гектарча ерга теганглар, меҳмон кўрсин, деганман. Хўш, кейин боғчасига борамиз, ундан кейин клубга кириб ҳаваскорларимизнинг концертини томоша қиламиз. Битта колхозчининг уйини тайёрлаб қўйганмиз, шу ёққа ўтамиз. Кейин меҳмонхонада бир пиёла чой ичамиз, нима дейсиз?

Раиснинг гапини Чарлига ўгирдим. У: "Йес, йес!" — деб мамнун бош силкиди.

Токзор яқин экан, пиёда ўтиб бордик. Баланд, узун ишком остида бригадир наридан-бери юриб турибди. Гоҳо тўхтаб, тўқима сават ушлаган йигит-қизларга нимадир деб қўяди. У бизларни кўрдию, "Бошланглар!" дегандек тепага ишора қилди. Бекасам тўн, чуст дўппи кийиб, белларини шойи қийиқча билан боғлаган дуркун йигитлар, атлас кўйлакли, паранг рўмолли сулув қизлар ўт ўчирувчилардек абжирлик билан айри нарвонларга ёпишди. Улар нарвоннинг ярим белига боришди-да, бизга бир қараб қўйиб ток қайчи билан қарсиллатиб узум уза кетди. Чарлига қарадим. У лолу ҳайрон. Оғзининг таноби қочган. Кўзлари олма-кесак терадди. Гоҳ ясан-тусан йигит-қизларга, гоҳ марвариддек товланувчи шода-шода узумларга боқади. Ниҳоят, у фотоаппаратига қўл чўзди. Нарвондаги теримчиларни яқиндан, олисдан қайта-қайта суратга олди.

— Мистер, — деб Чарли тирсагимдан тутди, — қора ишга бунақа... янги либос кийиш увол эмасми?

— Увол эмас, — дедим, — бизда бекасам кўп. Марғилон деган шаҳримиз бор. Ҳар куни миллион метр атлас, бекасам чиқади.

Чарли энди раисга юзланди:

— Булар ҳафтасига неча соат ишлайди?

Чарлининг гапини раисга етказдим, кейин секин қўшиб қўйдим:

— Кунига ўн соатдан оширманг.

— Биламан, — деди раис керилиб, — ҳафтасига, хўш, умуман эллик-олтмиш соатдан ошмайди. Биз ҳар ҳафтада бир кун дам беришга тайёрмиз. Лекин мева-чева ерда қолиб кетадими, деб ўзлари кўнмайди.

Болалар боғчасини кўриб бўлиб машинага чиқдик. Ҳасан ака деган тракторчиникига қараб кетдик. У кишининг ҳовлиси қишлоқнинг қоқ ўртасида, икки томони тераксор, обод кўчада экан.

Дарвоза ланг очиқ. Бостирмада иккита машина турибди. "Волга"нинг номерига қарадим — давлатники экан.

(Давоми кейинги сонда).

**Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида миллий автоматлаштирилган кутубхона тизимини ривожлантириш истиқболига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.**

# КУТУБХОНАДА СЕМИНАР

Унда мамлакатимиздаги кутубхоналар, музейлар, архивлар, таълим муассасалари ҳамда ахборот-ресурс марказлари раҳбар ва ходимлари, соҳа мутахассислари ва олимлар иштирок этди.

Анжумандан асосий мақсад автоматлаштирилган кутубхона тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, мамлакатимиздаги кутубхоналар, музейлар, архивлар ва таълим муассасаларида электрон илмий-таълим ресурсларидан фойдаланишга оид долзарб масалаларни муҳокама қилишдан иборат.

Тадбирда ахборот кутубхоналари, ахборот-ресурс марказлари ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг кутубхона технологияларини автоматлаштириш, электрон илмий-таълим ресурслари – электрон дарсликлар, каталоглар ва маълумотлар базалари билан таъминлаш юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Мазкур йўналишда бир қатор маърузалар тингланди.

**ЎзА.**




# СУРАТИЮ СИЙРАТИ ГЎЗАЛ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айниқса, кейинги ўн олти йил ичида хотин-қизларимизнинг маънавий дунёси, ақлий ва жисмоний салоҳияти юксала бошлаганлиги ҳам айни ҳақиқат. Президентимизнинг Ўзбекистон хотин-қизларига кўрсатаётган ғамхўрлиги туфайли уларнинг саломатлигини тиклаш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишнинг муҳим омилларидан бўлган спортга муносабат мустақиллик йилларида тубдан ўзгарди. Зеро, спорт – ҳамжиҳатлик, дўстлик, эзгулик элчиси, етуклик рамзидир.

Вилоятимизда бу борада улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Мустақиллигимизнинг иккинчи ўн йиллиги ана шундай кўтаринкилик билан бошланди. Биргина 2001 йилда вилоятимизнинг чекка қишлоқлари мактабларига 100 миллион сўмлик спорт анжомлари ажратилди. 38 та стадион, 553 та спорт зали, 15 та сув спорт ҳавзаси, 14 та теннис корти, 2000 дан ортиқ футбол, баскетбол, волейбол майдонлари қурилди ва қайта тикланди. Шу йили ўтказилган мусобақаларда вилоят спортчилари йигирма тўртта олтин, 20 та кумуш, 22 та бронза медалларини қўлга киритди. Унда қатнашган 135 мингдан ортиқ ёшлар орасида спортчи қизларимиз ҳам анчагина.



2002 йилнинг ноябрида Англияда таэквандо бўйича ўтказилган Европа очиқ чемпионатида Чиноз тумани, Олмазор шаҳарчасидаги 42-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Шаҳноза Ҳолиқова чемпионлик шарафига муяссар бўлди. Кейинги йилларда хотин-қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ва уларни спортга оммавий жалб этиш мақсадида уюштирилаётган тадбирларда, хусусан, Аёллар спартакиадасида бир ярим миллиондан ортиқ аёллар иштирок этди.

Айниқса, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Наманган шаҳрида ўтказилган «Тўмарис аёллар» спорт фестивали ўзининг оммавийлиги билан муҳим аҳамиятга эга бўлди. Дастлаб шаҳар, туман, вилоят миқёсида бўлиб ўтган мусобақаларда нафақат хизматдаги аёллар, балки уй бекалари ҳам фаол қатнашди. Фестивалнинг республика босқичида қатнашган 26 нафар спортчининг 30 фоизи уй бекаларидир.

Қувонарлиси шундаки, вилоят ҳокимининг катта эътибори туфайли уч хил бичимдаги чиройли спорт кийимлари билан таъминланган спортчи аёлларимиз «Энг гўзал жамоа» номинацияси бўйича рангли телевизор билан мукофотландилар.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова раҳбарлигидаги спортчи аёллар мусобақаларнинг 8 тури бўйича муваффақиятли иштирок этишди. Жумладан, ангренлик стритболчи аёллар фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медалга сазовор бўлишди. Сузиш бўйича Олмалиқ шаҳридан Ирина Баталина 2-ўрин, стол тенниси бўйича Юқоричирчиқ туманидан уй бекаси Саодат Муҳаммаджонова бронза медали соҳибалари бўлдилар. Айниқса, енгил атлетика бўйича муваффақиятли иштирок этган чирчиқлик 70 ёшли уй бекаси Елена Ступакова, паркентлик 50 ёшли Елена Киршинанинг шижоати ҳар қандай ёш аёлга ибрат бўлгулик.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, жисмоний ва маънавий етуклик мезонларидан бири спортга меҳр қўйиш, уни ривожлантиришдир. Вилоятимизнинг бир қатор шаҳар ва туманларида қурилган улкан спорт иншоотлари – сузиш ҳавзалари, теннис кортлари, футбол майдонлари республика Президентининг спортни ривожлантириш соҳасига бераётган катта эътиборига амалий жавобдир. Бундай имконият ва шароитлар туфайли спорт барчанинг, жумладан, болалар ва ўсмирларнинг, айниқса, аёлларнинг кундалик эҳтиёжига айланса, спортчиларимизнинг халқаро мусобақалардаги муваффақияти ортади, демак Ватанимизнинг дунё ҳамжамияти олдидаги обрў-эътибори янада юксалади.

Яқинда Австриянинг Дорнбирн шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон гимнастрада фестивалида Ўзбекистондан 16 киши иштирок этди.

– Дунёнинг 57 мамлакатидан 22 минг спортчи қатнашган бундай улкан тадбирга бориш насиб этганлигидан жуда хурсандман, – дейди вилоят хотин-қизлар қўмитаси спорт ишларини мувофиқлаштирувчиси Нафиса Турғунова. – Акробатиканинг моҳир устаси Альбина Ҳакимова Ўзбекистон жамоаси таркибида Ватан шаънини учун муносиб курашди. Гимнастрада – спорт ва бадиий гимнастика, акробатика, аэробика ва спорт рақслари элементларини ўзида мужассамлаштирган мусиқий дастур бўлиб, спортнинг бу турида 3 ёшдан 90 ёшгача барча иштирок этиши мумкин. Бундай тадбир Ўзбекистонда 2006 йил ноябрь ойида илк бор республика миқёсида ўтказилган эди. Мақсад – халқаро майдонда катта қизиқиш уйғотаётган спортнинг бу турини Ўзбекистонда ҳам кенг тарғиб қилиш ва ана шундай улкан нуфузли халқаро фестивални ўтказа олиш салоҳиятига эга бўлиш.

Мустақиллик туфайли жуда кўп имкониятларга эга бўлдик. Шунга муносиб ҳаракат қилиш, ҳамма жабҳаларда ютуқларимизни янада кўпайтириб бориш биз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## Рассом хандаси



– Ақчадан кўпроқ чўзсанг, албатта, сен ғолиб бўласан.



– Клипларимни тоғларда-ю, боғларда, дашту чўлларда, денгизу дарёларда суратга олдик. Энди эса душда тасвирга олишни режалаштиряпман.

**Шавкат МУЗАФФАР чизган расмлар.**

## Биласизми?

Энг катта дўл 1986 йилнинг 14 апрель куни Бангладешнинг Гопалганже вилоятида ёғди. Битта музнинг оғирлиги бир килограммдан зиёд бўлган.

* * *

Янги Зеландиянинг Роторуа шаҳри яқинида ғалати кўл мавжуд. Унинг ўнг қирғоғидаги сув доим қайнаб туради, чап томондагиси эса жуда совуқ. Кўл жуда тез оқиши сабабли сув оқимлари қўшилишга улгурмайди.

* * *

Олимларнинг фикрича чақмоқ ҳарорати 30 минг градусга тенг. Бу қуёш юзаси иссиқлигидан 5 баравар кўпдир. Унинг узунлиги 90 метрдан ҳатто 30 километргача етар экан.

* * *

Энг катта сигара муаллифи кубалик Хосе Каиродир. У тўққиз кун давомида узунлиги 11,04 метрга тенг сигарани ясади.

* * *

Энг катта елпиғич 1994 йилда испаниялик Виктор Трояс Озер томонидан ясалди. Унинг баландлиги 4,5 метр, ёйилган ҳолатдаги кенглиги 8 метр.

* * *

Ер юзида 1343 та ҳаракатдаги вулқон мавжуд. Энг кўп «оловли тоғлар» эса Индонезияда жойлашган. Ороллардаги 200 та вулқоннинг 77 таси доимо отилиб туради. Европадаги энг катта вулқон Сицилиядаги Этна вулқони ҳисобланади. Унинг баландлиги 3322 метрдир.

**Файзулла АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.**

Собир Раҳимов туманидаги 196-ўрта мактаб томонидан 1988 йилда Каримов Абдукахор Маджидович номига берилган Д № 329149 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Зангиота тумани ер ресурслари ва давлат кадастр хизмати томонидан Олимжонов Хасан Сотволдиевич номига 2007 йилда берилган 11-04-11-02-01-0274 рақамли кадастр тўплами йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный кадастровый документ на здание рег. № 4-268/2005, выданный в 2005 году ООО "LISUNOV" Хамзинского района г. Ташкента,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянная лицензия № 2493 АидВ, выданный 10.10.2006 по 10.10.2007г. агенством внешней трудовой миграции на СП "EMTEKS Co LTD" г. Андижана,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2007 йил 26 сентябрь сонида эълон қилинган "NUSRAT-KAMOL" хусусий корхонаси "ROBIYA-SAVDO" номига ўзгартирилганлиги ҳақидаги эълон қуйидагича ўқилсин: "NUSRAT-KAMOL" хусусий корхонаси "ROBIYABONU-SAVDO" номига ўзгартирилади.

ООО "TRAD-SERVIS" (ОКПО 18584119) сообщает о своем переобразовании в ЧП "TRAD-SERVIS". Претензии принимаются в течение 1-го месяца по адресу: ул. Бакинская, 179.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

**Муассис:**
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-55-54.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

**Манзилимиз:**
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-940. Адади 3619. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.*

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.40. 2 3 4 5 6